



ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР УЧРАШУВИ

Сайловчилар номзоднинг дастурини қўллаб-қувватламоқда

«БИЗ УЧУН АСОСИЙ УСТУВОР Йўналишлардан бири аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишига кўмаклашишдан иборат»

Ўзбекистон Республикаси Президентлигида Халқ демократик партиясидан номзод Ҳотамжон Кетмонов дастурида илгари сурилган шу ва бошқа таклифлар Бухоро вилояти Когон шаҳрида ўтказилган ишончли вакил учрашувида сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Учрашувни 3-Бухоро участка сайлов комиссияси аъзоси Мансур Бобоев очди. Номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева сайловчилар билан мулоқотда бўлди.



Сайловчилар ШОҲУЛАГАНОВ билан суҳбат.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ

СИЗНИ ҚАНДАЙДИР МАСАЛА ЎЙЛАНТИРЯПТИМИ?..

Унда ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилинг

ҲАЁТ ҲЕЧ ҚАЧОН БИР ЗАЙЛДА ДАВОМ ЭТМАЙДИ. ҚАЙСИДИР МАСАЛАДА ЁРДАМГА ЁКИ МАСЛАҲАТГА ЭҲТИЁЖ СЕЗАМИЗ. КИМДИР ЎЗИГА МУНОСИБ ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАДИ. КИМГАДИР ЭСА МОДДИЙ ЁРДАМ КЕРАК Бўлади... ШУНДАЙ ПАЙТДА ҚАЕРГА, КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ УСТИДА ЎЙЛАНИБ ҚОЛАДИ КИШИ.

Биламизки, ҳар бир сиёсий партия аҳолининг маълум бир қатлами — ўз электорати, манфаатини ифода этади. Шунинг учун партия ташкилотлари уларнинг хоҳиш-истаги ва муаммоларини яхши билиши ва кўмаклашиши керак. Бу электорат билан доимий мулоқотда бўлиб туришни тақозо этади. Бунинг учун эса сиёсий партияга мурожаатларни қабул қиладиган, уларни умумлаштириб, таҳлил қиладиган, масалаларни ҳал эта оладиган механизм зарур. Акс ҳолда сиёсий партия электорат манфаатларини ҳимоя қилиши қийин бўлади.

Олий ва ўрта махсус касб-хунар маълумотиغا эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмоновнинг дастуридан

ЎзХДП БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Партиямиз аъзолари

сайловолди тарғиботида фаол иштирок этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди. ЎзХДП Чортоқ туман кенгаши томонидан бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари етакчиларига бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилган.

«Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги ҳудудий партия ташкилоти фаоллари тарғибот-тўшунтириш ишларини дастлаб кечас ва бемор сайловчилар хонадонларида олиб боришди. Сўнгра турли учрашуларда партиямиздан кўрсатилган Президентликка номзод дастури юзасидан суҳбатлар ўтказишга киришилди.

— Биз, айниқса, кексалар ва ёшларга сайловнинг аҳамияти, сайловчи масъулияти, номзодимиз дастури тўғрисида кўпроқ тушунчалар беришга ҳаракат қиламиз,

— дейди ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Одилов Бобоносов. — Шунингдек, сайловда илк бор қатнашадиган 16 нафар йигит-қиз учун ҳам алоҳида давра суҳбати ташкил этилди.

— Президент сайловида сайлов участкасига ўзим бориб, овоз бермоқчиман, — деди 86 ёшли Садриддин ота Юсупов. — Сайлов кунини оиламизнинг 18 ёшдан ошган барча аъзолари, жами 7 киши овоз беришга чиқади. Ҳаммамиз сайловда ўз фикримизни билдиришимиз керак, албатта. Номзодлар таржимаи ҳоли, дастурлари билан яхши танишдик...

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик барча бошланғич партия ташкилотларида, сайлов участкаларида қизғин давом этмоқда. Сайловолди ташвиқоти жараёнида партиямиз аъзолари фаол иштирок этишмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАР

Оксана дунёни ҳайратга солмоқда

Спорт гимнастикаси бўйича 1992 йилги Барселона олимпиадаси чемпиони, 2008 йилги Пекин олимпиадаси совриндори ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ўз матонати ва маҳорати билан ҳамон спорт оламини ҳайратга солмоқда.

Шу йилнинг 19 июнида қирқ ёшга тўладиган моҳир спортчимиз инсон жисмоний имконияти беқиёс эканлигини яна бир бор намоён этди. Оксана кунча Германиянинг Котбус шаҳрида ўтказилган аънавий Meister World Challenge Cup 2015 халқаро турнирида ўзининг сеvimли йўналиши — таяниб сакраш машқлари бўйича яна шохсупанинг юқори поғонасига

рида ўтказилган аънавий Meister World Challenge Cup 2015 халқаро турнирида ўзининг сеvimли йўналиши — таяниб сакраш машқлари бўйича яна шохсупанинг юқори поғонасига

кўтарилди. Ўттиз тўққизинчи мартаба ўтказилган бу нуфузли мусобақада ҳамюртимиз 14,875 очко жамғариб, олтин медаль билан тақдирланди.


Эслатиб ўтамиз, Оксана Чусовитина қаторасига олтин (1992, 1996, 2000, 2004, 2008, 2012 йиллар) ёзги Олимпия уйинларида иштирок этган ягона аёл спортчи саналади.

Эркин ХОЛБОВО

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши белгиланмоқда

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ эзгу вазифа, инсоний бурчдир



Сайловчилар номзоднинг дастурини қўллаб-қувватламоқда

Ишончли вакил дастлаб сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан кўрсатилган номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда дастури билан таништирди. У ўз сўзида номзод Хотамжон Кетмоновнинг дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига асосланганини таъкидлаб ўтди. Дастурда, хусусан, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий даромадларини кўпайтириш борасида қатор устувор йўналишлар белгилангани алоҳида қайд этилди.

— Бизнинг номзод дастурида манзилли ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ таълими ва тиббиёт тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган, — деди у. — Жумладан, номзод муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича савий-ҳаракатларни фаоллаштириш тақдирини илгари сурмоқда. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Учрашув давомида номзод дастурида баён этилган асосий йўналишлар юзасидан сайловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ишли, турмуш даражаси юқори бўлган одам оиласидан, эртасидан кўнгли тўқ яшайди, — дей-

▲ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



ди Когон шаҳар Саноат ва транспорт коллежи директори ўринбосари Санам Саидова. — Номзод дастурида бу борада долзарб масалалар илгари сурилгани эътиборга молик. Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар тақдим этиш, ўз бизнесини йўлга қўйишда уларни қўллаб-қувватлаш тақдирини коллежимиз битирувчиларига манзур бўлди. Чунки одамларнинг ҳаёт тарзи ва турмуш даражасини юксалтиришда бандликни таъминлаш муҳим ўрин тутади. Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг дастури шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Ишончли вакил сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Президентликка Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Ўзғаров ЎзХДП тўғрисида сайловчилар билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирамиз

Номзоднинг дастури ҳаётимизда кузатилаётган айрим масалаларни самарали ҳал қилишда муҳим ўрин тўтишига ишонаман.

Учрашувни 862-участка сайлов комиссияси раиси Алишер Азимов очди. Унда Ўзбекистон ХДП фаоллари, таълим, тиббиёт соҳалари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ЕХХТ ДИИХБ миссияси аъзолари иштирок этди.



Дастлаб Президентликка номзоднинг ишончли вакили Сирожиддин Ўзғаров сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Ишончли вакил номзод дастурида ижтимоий соҳа ривожини юксалтириш, иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини қайд этди.

— Президентликка номзоднинг дастури ҳаётини жиҳатлари билан эътиборга молик, — деди у. — Дастурда аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий иш ўринлари яратиш, бу борадаги сиёсатни янада такомиллаштириш бўйича ўзига хос чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу, айниқса, қишлоқ жойларда турмуш шароитини яхшилашда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

— Номзод дастурида илгари сурилган ғоялар мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади, деб ўйлайман, — деди ЎзХДП Янгийўл туман кенгаши раиси ўринбосари Нўмон Орипов. — Дастур партияимиз аъзолари қўллаб-қувватлаётган ғоялар

билан муштаракдир. Унинг таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислох этиш, таълим муассасалари битирувчиларини, ишга жойлаштиришга қаратилган ташаббуслари ҳаётимизда кузатилаётган айрим масалаларини самарали ҳал қилишда муҳим ўрин тўтишига ишонаман.

Учрашувда, шунингдек, халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгаши депутатлари — Олим Мирзаев, Рустамбек Ҳамрабеков, Шўралисой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Эркин Фозилов ва бошқалар номзод дастурининг муҳим жиҳатлари, унда илгари сурилган вазифалар, ғоя ва тақдирлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

Учрашувдан сўнг ЕХХТ ДИИХБ миссияси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Учрашувда иштирок этиб, фуқароларнинг сайлов руҳи билан яшаётганига гувоҳ бўлдим, — деди ЕХХТ ДИИХБ миссияси аъзоси Бенжамин Прайслер. — Одамлар учрашувларда эркин фикр билдириш мумкин. Она ва бола, тиббиёт хоналари, овоз бериш кабиналари, кузатувчилар учун жойлар тайёрлаб қўйилган. Сайлов куни даволашни муассасаларида бўлган, узрли сабабларга кўра, сайлов участкаларига келолмайдиган фуқароларнинг овоз беришларини ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилган. Биринчи бор сайловда иштирок этаётган ёшлар билан Президент сайлови, унинг моҳияти, аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
Меҳроҳ ДАРХОНОВ.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ

СИЗНИ ҚАНДАЙДИР МАСАЛА ЎЙЛАНТИРЯПТИМИ?..

Унда ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилинг

Айтиш керакки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу борада ўзига хос тизимга эга. Партия ташкилотлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари ушбу тизимнинг муҳим асосини ташкил этади. Чунки бу тизимла орқали аҳоли, хусусан, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ўрганиш, шу асосда ташаббуслар билан чиқиш имконияти кенгдир.

Айни кунда жойларда партиянинг 207 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритяпти. Таҳлиллар аҳоли томонидан уларга бўлаётган мурожаатлар сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2014 йилда ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига 5 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан қарийб 500 тага кўпдир. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Аввало, бу партия ташкилотлари ва гуруҳларининг аҳоли мурожаатларига муносабати тубдан ўзгаргани, одамларнинг партияга бўлган ишончи ортаётганидан далolat беради.

Мурожаатларнинг асосий қисми коммунал, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий масалаларда бўлган.

Ҳўш, жорий йилда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадида қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилди? Улар фаолиятини янада кучайтириш учун нималарга аҳамият бериш зарур?

Фахриддин Йўлдошев,
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Мурожаат қилувчи қабулхона аэтигини шунчаки таққиллатмайди. Ҳар бир мурожаатнинг ортида инсон манфаати, кимндир ўйлан-

раётган масала туради. Одамлар қабулхонага умид ва ишонч билан келади. Шунинг учун ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак, бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Қачонки, одамлар билан елкама-елка туриб, улар билан ҳамнафас бўлсак, жамиятдаги, аҳоли ўртасидаги мавқеимиз мустаҳкамланади. Шу боис мурожаатларнинг ҳар бири билан жиддий ишлаш, қабулхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, бир сўз билан айтганда, ишга ёндашувни тубдан ўзгартириш тақозо этилади.

Бунинг учун биринчи галда бошланғич партия ташкилотларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини мунтазам ташкил қилиб бориш зарур бўлади. Ҳар ойда қамида икки марта аниқ муддатда кўчма қабулхоналарни ташкил этиш, мурожаатлар асосида жойлардаги муаммоларни таҳлил этиб, тизимли ўрганиб бориш керак. Бундан ташқари, партияимизнинг расмий сайтидаги Электрон Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш яхши самара беради, деб ўйлайман.

Мўйтабар Каримова,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— 2014 йилда ЎзХДП Жиззах вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 500 га яқин мурожаат бўлди. Улар партия фаоллари, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўрганилиб, мурожаатларнинг 84 фоизи ижобий ҳал қилинди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Аммо биз «Жамоатчилик қабулхонасига қачон одамлар келса, уларга имкон қадар ёрдам кўрсатамиз», деб кутиб ўтирмаслигимиз



Санжар ШОТЎЛАНОВ олан сурат.

керак. Маҳаллаларда, турли корхона ва ташкилотларда бўлиб, фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ишларини янада такомиллаштиришимиз зарур. Албатта, кўп бора таъкидланганидек, муайян мурожаатни ҳал этиш билан чегараланиб қолиш яхши эмас. Масалаларни умумлаштириб бориш, керак пайтда, тақдирларни шакллантириб, депутатлар ташаббуси асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ййғилишлари, сессиялари муҳока-масига олиб чиқиш талаб этилади. Чунки бу билан бир кишининг эмас, кўпчиликнинг манфаати ҳимоя қилинади, шу орқали ҳудуддаги муаммонинг асосига, илдизига етиб борилади. Бундай тизим муаммоларни янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларга самарали ечим топишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ижтимоий масалалар бўйича жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати кучайишида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳмуджон Маҳкамов,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Албатта, одамлар ишончини қозониш, партияимиз мавқеини мустақамлаш бўйича бизда имконият катта. Партияимиз тизимида Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилгани биз учун катта имконият ва шунга яраша масъулият ҳамдир. Ҳеч ким қабулхонага сабабсиз келмайди. Ҳар бир мурожаат ортида кимнингдир ёки кўпчиликнинг муаммоси ётади. Демак, тушаётган ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак.

Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан янада кенгроқ фойдаланиш фаолиятимиздаги асосий ва муҳим масалалардан бири. Биз ишни, аввало, қабулхонада аҳоли учун қулай шароит яратишдан бошлашимиз керак, деб ўйлайман. Жамоатчилик қабулхонасидаги муҳит, шароит мурожаат қилувчининг руҳиятига таъсир этиши мумкинли-

гини ҳисобга олиш лозим. Қабулларни қулай пайтларда, масалан, дам олиш кунларида ташкил этиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Одамларнинг эътиборини тортувчи кўргазмали воситаларни бошланғич партия ташкилотларимиз ёрдамида кенг тарқатишимиз зарур.

Қабулхона фаолиятини кучайтириш учун бошланғич ташкилот, партия кенгаши ва депутатлар ҳамкорлигининг аниқ режасини ишлаб чиқиш талаб этилади. Натижада аҳоли, электорат вакиллари учун катта қулайлик яратилади.

Бугун замон ўзгарди, халқимизнинг сиёсий партиялар, депутатларга талаби бутунлай бошқача. Шундай экан, кези келганда очигини айтиш керак, мурожаатлар билан ишлаш ҳамма ҳам жойда бирдек талаб даражасида эмас. Масалан, туман ва шаҳар партия кенгашларининг барчасида ҳам қабул тартиб асосида йўлга қўйилмаган. Мурожаатларни ҳал этишда депутатлар ва партия ташкилотларининг биргаликда ишлаш кўникмаси барқарор эмас. Бу эса аҳоли муаммоларини ҳал этишга тўсқ бўлади, мурожаат эътиборсиз қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, депутатлар Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг партия ҳаётидаги ўрни, электорат манфаатини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини етарли даражада баҳолаб, янада масъулиятли бўлиши талаб этилади. Бу электорат манфаатларини ҳимоя қилишда, сайловчилар ишончини оқлашда муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЮРТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТИ

муносиб номзодга овоз беришимизга боғлиқ

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кун қолди. Бу сайлов янги-ча ижтимоий-сиёсий шароитда, партиялараро рақобат, фуқароларнинг фаоллиги ошиб бораётган бир пайтда ўтаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Сайловда фуқаролар ўз хоҳиш-ирода-ларини эркин ифода этиб, муносиб кўрган номзодга овоз беради. Шу тариқа сайловчи мамлакат сиёсий ҳаёти, давлат ҳамда жамият бошқарувида иштирок этган бўлади.

Сайловчилар сайлаш ҳуқуқидан эркин фойдаланиши учун сайлов участкаларида зарур шарт-шароит яратилган. Сайлов тўғрисидаги қонунлар, Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари, сайловчилар рўйхати ва бошқа маълумотлар билан исталган пайтда танишиш мумкин. Она ва бола, тиббиёт хоналари, овоз бериш кабиналари, кузатувчилар учун жойлар тайёрлаб қўйилган. Сайлов куни даволашни муассасаларида бўлган, узрли сабабларга кўра, сайлов участкаларига келолмайдиган фуқароларнинг овоз беришларини ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилган. Биринчи бор сайловда иштирок этаётган ёшлар билан Президент сайлови, унинг моҳияти, аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

Президентликка партияимиздан кўрсатилган номзоднинг дастури тарғиботида бошланғич ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

Бу жараёнларда бошланғич партия ташкилотлари аъзолари, фаолларимиз муносиб иштирок этишяпти. Президентликка партияимиздан кўрсатилган номзоднинг дастури тарғиботида бошланғич ташкилотлар фаол иштирок этмоқда. Бошланғич ташкилотимизда ўтказилаётган ўқувларда номзодимиз дастуридан долзарб ҳаётий масалалар ўрин олгани мисоллар асосида тарғиб қилинмоқда.

Сайлов куни ҳар бир фуқаро ўзи танлаган номзодга овоз беради, албатта. Шундай экан, «Мен қабул қиладиган қарор сайловнинг юқори савияда ўтишида, мамлакат келажаги, унинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлади», деган қатъий тушунча билан сайловда иштирок этишимиз керак.

Дилдора ОБЛОҚУЛОВА,
Мирзачўл туман марказий
шифохонасидаги
ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



▲ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ САЙЛОВЧИЛАР ҚАЕРДА БЎЛИШЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, УЛАРГА РЕФЕРЕНДУМЛАРДА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ВА ҲОКИМИЯТНИНГ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ САЙЛОВЛАРИДА БЕВОСИТА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНАДИ.



■ САЙЛОВ КУНИ ЎЗ ТУРАР-ЖОЙИДА БЎЛМАГАН САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИНРОҚ ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР.

Қонунчиликда сайлов ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ
ҳаракатларга аниқ жавобгарлик белгиланган

■ «ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА САВОЛИМ БОР...»

САЙЛОВ ТИЗИМИ ОЧИҚ-ОШКОРАЛИККА АСОСЛАНГАН

— Яна саноқли кунлардан кейин бўлиб ўтадиган Президент сайловида иштирок этишни фуқаролик бурчим, зиммамдаги катта масъулият, деб биламан. Шу боис сайловга тайёргарлик жараёнларини мунтазам кузатиб бораётман. Жойларда ташвиқот ишлари, номзодлар ишончли вакиллари билан сайловчилар билан учрашувлари ўтказилляпти. Сайлов участкаларида овоз беришимиз учун зарур шароит яратилмоқда. Менда бир савол туғилди. Президент сайлови билан боғлиқ молиявий таъминот ким томонидан, қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Гулноза Сиддиқова,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

— Қонунчилигимизда Президент сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганими? Ирода Йўлдошева, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидан.



Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗДП фракцияси аъзоси:

— Албатта, сайловни ўтказишнинг қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентлиқка сайланиш, сайловда ташвиқот ишларини эркин равишда амалга оширишга зўравонлик ёки таҳдид қилиш, алдаш ёхуд яна бошқа йўллар билан қаршилик кўрсатувчи шахслар қонун меъёрларига амал қилмаган ҳисобланади.

— Шу ҳафтанинг охирида Президент сайловида иштирок этамиш ва тез орада унинг натижалари маълум бўлади. Мени бир нарса қизиқтириб қўйди. Сайлов натижаларини аниқлаш қай тарзда амалга оширилади? Қонунчилигимизда белгиланган тартиб-қоидалар ҳақида маълумот берсангиз.

Севара Жабборовна,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридан.



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасида аниқ шундай маъно белгилаб қўйилган. Унга кўра, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида республика бўйича сайловчилар умумий сонини, сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари

Шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёхуд яна бошқа тарзда қонунчилик талаблари бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари белгиланган йўсинда жавобгарликка тортилиши ҳам белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, номзодларнинг шайни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа тарзда тарқатиш, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан қўпол муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам жавобгарликка сабаб бўлади.

Овоз бериш кўнига қадар беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш кўни жамоат фикри сўровлари

натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш ёки эълон қилиш, шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан, интернет тармоғига жойлаштириш тақиқланади. Юқорида қайд этилган ҳолатларнинг бирига ёки бир нечасига йўл қўйган фуқаро қонун олдида жавобгарликка тортилади.

Сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг устувор ҳуқуқи ҳисобланади. Бу инсоннинг эрки, хошироодаси билан боғлиқ муҳим масалалар. Шунинг учун қонунчиликда сайлов ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ ҳаракатларга аниқ жавобгарлик белгиланган.



Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗДП фракцияси аъзоси:

билан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш таъминланади. Бу сайловнинг очиқ-ошкоралик ҳамда адолатлилик принциплари асосида ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказилиши учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Мазкур ҳолатда маблағларни фақат Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва қонунга риоя қилган тарзда сарфлайди.

Сайловга йўналтирилган маблағларнинг барчаси тайёргарлик жараёнлари ҳамда сайловчиларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида сарфланади.

ТАДБИРЛАР

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ ДАСТУРЧИЛАР

қўллаб-қувватланмоқда

Ҳозирги даврни техника тараққиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунда, айниқса, ахборот ва коммуникация технологияларининг ўрни беқийс. Ўзбекистон ёшлари ҳам бу соҳада дунёнинг билимли, заковатли ёшлари билан тенгма-тенг беллашаётган даражадаги иқтидор ва салоҳиятга эга эканлигини намойиш этишмоқда.

Республика Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университетида Дастурий инжиниринг ҳамда Телекоммуникация технологиялари факультетлари иштирокида «Дастурий ва техник ишланмалар кўргазмаси» ўтказилди. Истикболли лойиҳаларини ҳамда компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирда 60 дан зиёд дастурий таъминот воситалари ҳамда 20 дан ортиқ техник ишланмалар намоиш этилди. Унда энг яхши мобиль илова, энг яхши WEB илова, энг яхши Windows илова ва энг яхши техник ишланма каби танлов номинациялари голиблари мукофотланди.

— Курсдош дўстларим билан ҳамкорликда кўргазмада жами еттита лойиҳа бўйича иштирок этаётимиз, — дейди, Телекоммуникация технологиялари факультети 4-курс талабаси Шохруҳ Бегматов. — Ишланмалардан

бирини «аклли чироқлар», яъни ёритиш чироқларини бошқариш ва электр энергиясини тежаш қурилмаси деб атадик.

Ишланманинг асосий мақсади — ёритиш чироқларини бошқариш, зарур бўлмаган вақтларда уларни ўчириш ва электр энергиясини тежалишини таъминлашдан иборат. Ёритиш чироқлари ҳаракатланаётган объект аниқланганда чироқлар автоматик тарзда ёнади ва объект узоклашганидан сўнг автоматик тарзда ўчади.

Кўргазманинг фаол иштирокчиларидан бири, Телекоммуникация технологиялари факультети 2-курс талабаси Феруз Муяссаров шундай дейди:

— Биз яратган ишланма техник қурилмаларни масофадан бошқариш ускунаси, деб аталади. Бунда электр лампаси, электр чойнак, DVD каби турли хил маиший жиҳозлар ва қурилмалар ягона бошқарув пульти орқали масофадан бошқарилади. Қурилма дастурланувчи Arduino платформаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, махсус консол порти орқали компьютерга уланган ва компьютер орқали платформа махсус дастур пакети киритилади.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида чинакам иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбирлар янги ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ўз мухбиримиз

Чегара билмас иллат

Пойтахтимизнинг Юнусобод туман ҳокимлиги ташаббуси билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман ҳудудий идоралараро комиссиясининг ўқув-семинар машғулотини ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ИИБ, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман тиббиёт бирлашмаси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъулари иштирок этди.

Ўқув-семинар машғулотини қатнашчилари одам савдоси ҳудуд танламаслиги, чегара билмаслиги, ўз гирдобига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлигини таъкидлашди.

— Ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби

қабих қилмишлар ётибди, — деди Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими Абдор Бердиев. — Энг ачинарлиси шундаки, бу иллат гирдобига республикамиз фуқаролари ҳам тушиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилмоқда.

Ўқув-семинарда алоҳида қайд этилдики, идоралараро комиссиянинг тасдиқланган иш режасини тўғри ва тартибли амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор одам савдосидан жабрланганларга тиббий, ҳуқуқий, психологик ёрдам бериш, улар бандлигини таъминлашга қаратилиши керак.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА



10 yil

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банки
жамоаси

Сизни баҳор айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади!

Барчангизга сўхат-саломатлик, оилангизга тинчлик ва шодлик тилаймиз.

Баҳорий кайфият сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Маълумот хизмати: (0-371) 150-89-56
www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Дунё

Табиатда сувнинг
айланиши

тезлашиб бормоқда...ми?

Илмий мақолаларда баён этилган фикрларга қараганда, кейинги пайтда ҳароратнинг глобал тарзда кўтарилиб бориши океанларда сувнинг буғланиш жараёнини тезлаштирмоқда ва бу ёгингарчиликларнинг кўпайишини юзга келтирмоқда.



АҚШнинг Калифорния университети олимлари сунъий йўлдошлар ёрдамида ўтказган узок йиллик кузатувлари таҳлилига қараганда, табиатда сув айланиши йилга 1,5 фоиз кўрсаткичда ортиб бормоқда. Бу кичкина кўрсаткичдек бўлиб туюлиши мумкин, лекин шунинг натижасида табиатда сув тошқинлари кўпайиб бормоқда.

«Proceedings of the National Academy of Sciences» журналича чоп этилган мақолада қайд қилинишича, ҳароратнинг кўтарилиши ҳавоси қуруқ ўлкаларни янада қури-тиб боради, намли ҳудудларда эса ёгингарчиликлар миқдори янада ортиб кетади.

Кузатувларда шу нарса аниқландики, дарёлардан океану денгизларга қуйилаётган чўчуқ сув миқдори 1994 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда 18 фоизга ортган. Бу кишилик жамияти учун яхши, бироқ у тўфонлару сув тошқинларини келтириб чиқарувчи кўчи жалалар эвазига юзга келиши ташвишли.

Соғлом турмуш
тарзи

қонуний ифодасини топган

Аргентинада семиришга қарши мажбурий профилактика олиб бориш ва семиришга қарши кураш тўғрисида қонун амалиётга жорий этилганига ҳам анча бўлди. Қонунда семизлик касаллигининг бир тури, дея баҳоланган ва ортиқча вазнага эга кишилар учун тиббий суғурта мажбурий қилиб белгиланган. Лекин семиз кишиларни камситиш ёки таҳқирлашга йўл қўйилмайди, бу қонун йўли билан тақиқланган.



Мамлакатда озиш ва озиш йўллари ўзбошимча тарғиб қилиш ҳам тақиқланади. Бу борада фақат парhezшунос шифокорлар тавсиясига таянилгани маъқул.

Қонуннинг яна бир алоҳида жиҳати шундаки, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар юқори калорияли маҳсулот ёрлиғида унинг калорияси миқдори ва уни истеъмол қилиш семиришга олиб келиши ҳақида огоҳлантирувчи маълумотни албатта кўрсатиб ўтишлари шарт.

Семизлик нафақат Аргентинада, балки бошқа мамлакатларда ҳам муаммо даражасига етган. Масалан, Мексика, АҚШ ва Европанинг бир қатор мамлакатларида. Аммо бу мамлакатларда семиришга қарши мажбурий профилактика ҳали амалиётга жорий этилмаган.

■ **ТРАМПОЛИН.** ГОЛЛАНДИЯНИНГ АЛМЕРЕ ШАҲРИДА ТРАМПОЛИН (БАТУТДА САКРАШ) БЎЙИЧА «FLOWER CUP 2015» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ. СПОРТНИНГ УШБУ ТУРИ КЕНГ РИВОЖЛАНГАН 10 МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎТГАН МУСОБАҚАДА ҲАМЮРТИМИЗ АННА КАСПАРЯН ОЛТИН МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛДИ.



■ **ФИГУРАЛИ УЧИШ.** ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-28 МАРТ КУНЛАРИ ХИТОЙНИНГ ШАНХАЙ ШАҲРИДА НАВБАТДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ. УНДА ЖАҲОННИНГ ЕТАКЧИ СПОРТЧИЛАРИ ҚАТОРИ ҲАМЮРТИМИЗ МИША ГЕ ҲАМ ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРАДИ.





КУЧЛИ ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Ёшлар камолоти йўлида

■ Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом, билимли, юксак маънавий, баркамол авлодни вояга етказишдек буюк мақсад йўлида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда. Бунини ёшларимиз хусусан, илм-фан, санъат, спорт соҳасида эришадиган ютуқларда яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Биз 12 йиллик мажбурий таълим тарафдоримиз» мавзuida ўтказилган ҳафталикнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган якуний босқичида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ёшлар, 40 фоизини эса 18 ёшга тулмаганлар, яъни вояга етмаганлар ташкил этиши-

ни ҳисобга олсак, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган, геосиёсий манфатлар авж олаётган ҳозирги шароитда ёшларни билимли, мустақил фикрли, юксак маънавийли этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда ўшбу масалаларга, хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида қизларни шарму ҳаё, ибод, ўзбекона одоб-ахлоқ қоидалари асосида тарбиялашнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, муомала, кийиниш,

юриш-туриш борасида четдан кириб келаётган, миллий қадриятларимизга буткул ёт бўлган «маданиятларнинг» ёшлар орасида тарқалишига йўл қўймаслик кераклигига эътибор қаратилди. Маълумотларга кўра, ҳафталик давомида ҳудудларда ўтган 10834 та тарғибот тадбирларининг аксарияти умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим тизимида уюштирилди.

Ҳозирда ёшларни таълимга жалб этиш, ўқувчиларнинг давомадини янада яхшилаш мақсадида юртимиз таълим тизимида электрон давомад дастури жорий этилди. Бугунга келиб, ота-оналарни SMS орқали вазиятдан хабардор қилиб бориш натижасида ўқувчиларнинг дарсларда иштироки

ва ўқиш сифати сезиларли даражада яхшиланишига эришилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида амалга ошириладиган ишлар самарали бўлаётгани анжуманда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Э.Боситхонова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар сўзга чиқди.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Миллий банк мижозлари:

«МОЛИЯВИЙ МАДАД ЭКСПОРТ ИМКОНИАТИМИЗНИ ОШИРМОҚДА»

■ Мамлакатимиз иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятини янада оширишда, реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки ҳам муносиб ҳисса қўшишга, мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Бунини мижозлар ҳам эътироф этишмоқда.

Меҳрибон ОТАЖОНОВА,
«Урганч мастер сервис» хусусий корхонаси раҳбари (Хоразм вилояти):
— Корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда тижорат банклари асосий вазифани бажаради. Чунончи, бизнинг «Урганч мастер сервис» хусусий корхонамизга Миллий банкнинг жами 184 300 АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредит маблағларига Хитойдан полиграфия дастгоҳлари олиб келиниб ўрнатилди. Дастгоҳлар ишга тушгандан бошлаб 2 йил давомида 2 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришилди. Корхонамизда ишчи-ходимлар сони 25 нафарга етди.

Ишлаб чиқариш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Миллий банкнинг Урганч бўлимига яна кўмак сўраб мурожаат қилдик. Хитой давлат тараққиёт банкнинг кредит линияси ҳисобидан бизга 502 775 АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди. Натижада ҳамкорларимиз билан бирга озик-овқат маҳсулотларини жаҳон андозаларига мос тарзда қадоқлаб, экспортга чиқаришга эришдик.

Улугбек БОБОЖОНОВ,
«GLASS-PRO» МЧЖ директори (Хоразм вилояти):
— Корхонамиз 2011 йилда ташкил этилган. Дастлаб 6 та ишчи-ходим фаолият юритган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 21 нафарга етди. Фаолиятимиз кенгайишида, маҳсулотларимизни экспортга йўналтиришимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банкнинг молиявий кўмаги асосий. Банкнинг Урганч бўлими билан 2011 йилда тузилган кредит шартномасига кўра Хитой давлат тараққиёт банкнинг кредит линияси ҳисобидан 425 минг АҚШ доллари миқдордаги сармояни олдик. Хитойдан ойнага қайта ишлов бериш асбоб-ускуналари олиб келинди. Ўтган 2 йил давомида 4,5 млрд. сўм атрофида замо-

навий қурилишда кенг қўлланиладиган топланган, хавфсиз ойна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришдик.

Фаолиятимизни янада ривожлантириш учун «Ўзмиллийбанк»нинг Урганч бўлими орқали Хитой давлат тараққиёт банкнинг кредит линияси ҳисобидан 700 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олинди. Шу орқали қиймати 595 минг АҚШ доллари тенг стеклопакет линияси ва ойнага шакл берувчи ускуналар харид қилинди. Эндиликда маҳсулотларимиз турларини кўпайтириш билан бир қаторда уларни экспортга жўнатмоқдамиз.

Сухроб НАСРИДДИНОВ,
«Зарафшон текстиль» МЧЖ директори (Самарқанд вилояти):
— Бизнинг корхонамиз трикотаж ва тикув буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонамизда 90 киши иш билан банд. Миллий банкдан олган 7,9 млрд. сўм миқдордаги кредит ҳисобидан фаолиятимизни кенгайтириб, ўтган йили 9,6 млрд. сўмлик тирикчилик ва тикув маҳсулотларини ишлаб чиқардик. Шундан 3,2 млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар Россияга экспорт қилинди.

Давлат ХУДОЙКУЛОВ,
«KAGANTEX» МЧЖ раҳбари (Бухоро вилояти):
— Корхонамиз Россиянинг «Софтлайн» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Фаолиятимизни кенгайтириш ниятида 1,4 млрд. сўм миқдордаги кредит олиш учун Миллий банкка мурожаат қилган эдик. Ажратилган кредит маблағи ҳисобидан 2014 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз 598,0 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 40,0 минг долларлик маҳсулотлар экспортга жўнатилди. Корхонамизда фаолият юритаётган 47 кишидан 7 нафари касб-хунар коллежларини тамомлаган ёш мутахассислар.

Банк материаллари асосида
Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.
КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz.
email: cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
21 236
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqt — 22.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6